Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тинин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 10 декабрь пайшанба № 243 (21.341).

КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ислом КАРИМОВ:**

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади



Сессия залида.















Э. БОТИРОВ суратлари.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 9 декабрь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** бошқарди.

Кун тартибидаги навбатдаги масалаларни муҳокама қилишга киришишдан олдин раислик қилувчи Тожикистон делегациясининг раҳбари, шу республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари **Х. Хидиралиевга** сўз беради. Делегация раҳбари Тожикистон қонун чиқарувчи олий органининг Ўзбекистон Олий Кенгашига Мурожаатномасини ўқиб беради. Унда Тожикистонга тинчликпарвар кучларни киритиш илтимос қилинган.

Тожикистон Олий Кенгаши Мурожаатномасини муҳокама қилишда халқ ноиблари **Ҳ. Э. Бердиев, Э. Х. Сафаров, Ж. Ҳамидов, С. Р. Сафарова** қатнашдилар.

Шу масала юзасидан сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримов** сўзлади.

Ўзбек ва тожик халқларини кўп асрлик мустаҳкам қардошлик ришталари боғлаб турганлиги таъкидланди. Ҳаётий муҳим, қийин пайтларда бир-бирига ёрдам бериш зарур. Ўзбекистон қардош халққа ёрдам беришга тайёрдир, қўшни республикадаги можаро сиёсий усуллар билан ҳал этилиши керак.

Олий Кенгаш Тожикистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш вазифасини бажариш учун бир батальондан иборат ҳарбий қисмни МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондони ихтиёрига юбориш мумкин, деб ҳисоблади.

Олий Кенгаш кун тартибига киритилган навбатдаги масалаларни муҳокама қилишга ўтиб, Ўзбекистон Республикаси билан Украина давлатлараро муносабатларининг асослари, улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани тасдиқлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **А. М. Муталов** жорий йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кутилаётган якунлари ва Давлат бюджетининг ижроси ҳамда 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тўғрисида ахборот берди.

Шу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Халқ ноиблари ташқи ишлар вазири **У. А. Абдураззоқов**нинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси **Э. Х. Халилов** ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Олий Кенгаш бу Қонунни қабул қилди.

Сўнгра Олий Кенгаш иқтисодий ислохот, бюджет сиёсати ва ўзини-ўзи бошқариш комитетининг раиси **Э. Н. Хўжаев**нинг маърузасини тинглаб, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти ҳақидаги, гаровга қўйиш тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти ҳақидаги Қонуннинг 32-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги ҳамда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, Давлат божи тўғрисидаги, бир марта олинадиган йиғим ҳақидаги, транспорт воситаларига солинадиган солиқ тўғрисидаги қонунларни қабул қилди.

Республика прокурори **Б. М. Мустафоев**нинг ахбороти юзасидан прокуратура тўғрисидаги Қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди. Прокуратура ходимларининг тоифа даражалари, рағбатлантириш ва интизомий масъулияти тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ички ишлар идораларининг жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни маъмурий назорат қилиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексида ва жиноят кодексида кўзда тутилган жарима миқдорини қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги, жиноят кодекси ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларини қўлланиш тартиби ҳақидаги, шунингдек, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандлик касалига учраганларни мажбурий равишда даволаш ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сессия котибиятининг раҳбари **С. Аҳмадқулов** ноибларга сессия номига келган мактублар ва телеграммалар ҳақида сўзлаб берди.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди.

Соғлиқни сақлаш, аёллар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитетининг раиси **Ҳ. М. Усмонова**нинг ахбороти юзасидан парламент бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни тасдиқлади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг раҳбарлари 1992 йил 9 октябрда Бишкек шаҳрида имзолаган депортация қилинган шахслар, кам сонли миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир битимни ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг ҳарбий соҳадаги хавфсизлиги концепцияси тўғрисидаги битимни, шунингдек, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги Шартномани ҳам сессия тасдиқлади:

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Олий Кенгаш Раёсатининг карорларини тасдиқлади.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам халқ ноиблари!

XVI сессияга йиғилган Тожикистон Республикаси халқ ноиблари республиканинг тақдири учун ўзларининг тарихий масъулиятини англаб, биродаркушлик урушини қоралаб ва тожиклар диёрида яна тинчлик ва осойишталик ўрнатилишини қатъий ёқлаб, ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун негиз яратдилар.

Ушбу сессияда қонуннинг бедодлик устидан тантана қилганлиги, жамиятни ҳаяжонга солиб турган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий муаммоларни амалдаги Конституция асосида ҳал этишга қайтилганлиги Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши ишининг энг асосий ютуғи бўлди.

Тинчлик йўли оғир ва машаққатли бўлишини тушуниб турибмиз. Айни вақтда бизнинг бошимизга тушган фожиа инсонлар ҳаётига, халқ тақдирига, Ер юзида тинчлик ва омонликка бепарво қарамайдиган ҳар бир кишининг юрагига қайғу солаётганини ҳам биламиз. Тожикистонда МДҲда қатнашувчи давлатларнинг, аввало, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикасининг маънавий ва моддий ёрдами ҳамда мададини ҳамиша ҳис этиб ва юксак қадрлаб келганмиз.

Анъанавий ва тарихий дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз ва ўзаро ёрдам ришталарининг мустаҳкамлиги мана шунда яққол намоён бўлмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлмиш Тожикистон Республикасининг Олий Кенгаши тинч аҳолини ва ҳаётий муҳим иншоотларни ҳимоя қилиш мақсадида, республикада тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш манфаатларини кўзлаб, Олмаота учрашувида қатнашган МДҲ мамлакатларининг раҳбарларига мурожаат этди ва Тожикистонга тинчликпарвар кучларни юборишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши бизнинг Мурожаатномамизни кўриб чиқиб ҳамда халқимизнинг қайғу аламига ва азоб-уқубатига ҳамдард бўлиб, Тожикистон Республикасида тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг кафили бўла оладиган қисмлар ва бўлинмаларнинг Россия Қуролли Кучлари 201-мотоўқчи дивизияси таркибида тинчликсеварлик вазифасини ўташда иштирок этишига розилик беради, деб умид қиламиз.

Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида 1992 йил 1 декабрь куни қабул этилган.
Хўжанд шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил ноябрь ойида Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган XVI сессиясининг Тожикистон заминида тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, ҳокимият ва бошқарувнинг конституциявий идораларини тиклаш, издан чиққан халқ хўжалигини йўлга солишга қаратилган тадбирлар қабул қилиш, қочоқларни доимий яшаш жойларига қайтаришга доир қарорларини қўллабқувватлаб:

1. Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг янги раҳбарияти (И. Раҳмонов), Республика ҳукумати (А. Абдуллажонов) жамиятнинг барча қатламларига таяниб, Тожикистондаги соғлом кучларни жипслаштириш, ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, низоли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш, аҳолини бунёдкорлик меҳнатига қайтариш учун зарур шарт-шароит яратиб берадилар, деб умид билдиради.

2. Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, республика ҳукумати қардош тожик халқига ёрдам кўрсатиш учун юборилаётган кучларнинг хавфсизлигини таъминлайди, деб ишонч изҳор этади.

3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Бирлашган Қуролли Кучларнинг Бош қўмондонлиги ихтиёрига Тожикистон Республикаси ҳудудида тинчликни таъминлаш муддаосини бажариш учун бир батальон ҳарбий аскар юбориш мумкин, деб ҳисоблайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни илдамлик билан ҳал этишни топширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

• Президент оддий одамлар орасида

БАЙРАМ ТЎЙГА УЛАНДИ

● Куни кеча тонг саҳарда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Тошкентнинг Дўмбробод маҳалласида яшовчи оддий шофёр Фарҳод Маматов хонадонига ташриф буюриб, қутлуғ кунда тўй эгаларини самимий табриклади. ● Меҳр-оқибат қалбларга муҳрланди. ● Қўшалоқ тантана қўшалоқ бахт келтирсин!



Ўттиз икки йилдан буён ҳайдовчилик касбидан барака топиб келаётган Фарҳод Маматов учинчи ўғли Шавкатни уйлантириш режасини тузиб келарди. Агар 8 декабрь куни мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси шодиёнаси нишонланган бўлса, эртаси куни унга Маматовлар хонадонидаги тўй-тантана уланиб кетди. Яъни, Конституция қабул қилингандан кейинги биринчи тонгда эзгу-ният билан эл-юртга ош тортилди.

— Тўйга ташриф буюрган меҳмонлар бизни қўшалоқ байрам билан қутлашди, — дейди Фарҳод Маматов. — Ҳур диёримизнинг биринчи Конституцияси қабул қилинган шундай қутлуғ айёмда Шавкатжоннинг никоҳ тўйи муносабати билан табрикларни қабул қилиб олдик. Хонадонимизнинг азиз меҳмонлари сафида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам бўлганлари бутун маҳалла-куйни, қариндош-уруғларимизни хурсанд қилиб юборди. Мендек оддий ҳайдовчининг уйига шундай мўътабар инсон, юртимиз отаси ташриф буюрганидан қувончим бутун оламни тутди. Президентнинг бу одамийлигидан улуғ инсонлар ҳамиша камтар, меҳнаткашга қайишадиган бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг оддий касб кишиларига, хусусан биз каби шофёрларга оқибатли бўлганликларини билардик. Иншоолло, бундай меҳр-оқибат ҳамиша халқнинг қалбида бир умр муҳрланиб қолади.

Фарҳод аканинг сўзига шуни қўшимча қиламизки, тўйбоши юртимиз ҳаётидаги тарихий воқеага бевосита дахлдордир. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси автокорхонаси ҳайдовчиси Фарҳод Маматов Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сифатида кўп минг сонли сайловчилари хохиш-иродасини ифодалаб, мамлакатимизнинг дастлабки Конституциясини қабул қилиш учун овоз берган.

Ш. ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири

Суратда: оддий шофёр Фарҳод Маматов фарзандлари билан.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Нарпай районидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалиги аъзоларининг вакиллари бу ерда бўлиб ўтган митингда Ўзбекистон Асосий қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиз меҳнаткашларида келажакка нисбатан ишонч янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, деб таъкидлашди.

— Президентимизнинг Халқ демократик партияси раиси бўлиб қолиши бу сиёсий ташкилот нуфузини оширади, — деди хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Ф. Жумаева.

ХДП район кенгаши биринчи котиби С. Шукуров, хўжалик бошқаруви раиси У. Имомов, партия ветерани У. Абдусаидов ва бошқалар ҳам сўз олиб, Ўзбекистон Конституциясининг тарихий аҳамияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Митингда хўжалик аъзоларидан 120 нафардан ортиқ киши қатнашди. Улар Президент Ислом Каримов номига табрик телеграммаси юбордилар.

• • •

Самарқанд вилоят электр алоқаси бошқармасига қарашли автокорхона жамоасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан тантанали митинг бўлди.

Автокорхона директори, ЎзХДП аъзоси О. Қулиев тўпланганларга тарихий ҳужжатнинг лойиҳаси муҳокамаси жараёни ва қабул қилиниши ҳақида гапириб берди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Янги сайланган депутат билан таништирамиз*

Алишер МАРДИЕВ:

«ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ УСТУНИ ҚОНУНДИР»

Алишер Мардиев 1951 йилда Каттақўрғон районидаги Мўминхўжа қишлоғида туғилган. Тошкент давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик куллиётини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Самарқанд вилоят прокуратурасида иш ўрганувчи (стажёрлик)дан бошлаган. Кейин Пахтачи, Самарқанд шаҳар, Жиззах район прокуратураларида тажриба орттирган. Самарқанд вилоят судининг аъзоси, суд раисининг ўринбосари, суд раиси этиб сайланган. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари, республика Президенти аппаратида эса давлат ва ҳуқуқ бўлими мудири бўлиб ишлаган. Айни пайтда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари. 22 ноябрда 301-Қорадарё сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутати этиб сайланди.

— Алишер Мардиевич, Сизнингча депутатлик нима: бурчми, қўшимча имтиёзми, лавозимми ёки хизматнинг бирор турими?

— Бу саволни менга сайловолди учрашувларида ҳам беришганди. Ўз номидан маълумки депутатлар давлат ҳокимияти органларида халқнинг мухтор вакилларидир. Халқ депутати бўлиш — бу юксак шараф ва катта масъулиятдир. Халқ депутатлари зиммасига муҳим давлат ва жамоат вазифалари юкланади.

Депутат ўзининг бутун фаолияти билан сайловчиларнинг ишончини оқлаши, халқ томонидан унинг олдига қўйилган талабларга ҳамиша муносиб бўлиши лозим.

Умуман олганда Ўзбекистон халқ депутати фаолиятини икки йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчиси, унинг Олий Кенгашдаги фаолияти, бояги айтилган вазифаларни амалга ошириши бўйича ва шу йўлда пайдо бўлган муаммолар бўйича таклиф ва мулоҳазалар киритиши, қонунлар ва қарорлар ишлаб чиқишда қатнашишдир.

Иккинчиси, депутат ўзи сайланган сайлов округининг муаммоларини ўрганиб, шу территориядаги халқнинг — сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, шу манфаатлардан келиб чиққан масалаларни давлат органлари олдига ҳал қилиш учун қўяди ва назорат қилади.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, депутатлик авваламбор — катта масъулиятдир. Халқ томонидан билдирилган ишончдир.

— Лекин сайловчи ўз депутатидан оғирини енгил, узоғини яқин қилишни сўрайди...

— Тўғри фикр. Шу ўринда район, вилоят, Олий Кенгаш депутатларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, бирлаштириш ўз самарасини беради, деб ўйлайман, чунки баъзи сайловчиларнинг наказлари уларнинг барчасига тегишли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам балки бир округдаги турли бўғинларга тегишли бўлган депутатлар группасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шундай қилинса, халқ эҳтиёжини чуқур ўрганиш, наказларни тезроқ бажариш имконияти яратилади.

— Алишер Мардиевич, ҳар қандай жамиятнинг устун ва заиф томони Конституцияга (Асосий қонунга) бошқарув тизимининг тартиб-қоидаси нечоғлиқ тўғри келиши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида фикрингиз қандай?

— Ҳақиқатан ҳар қандай давлатнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати, тузуми ва бошқарув услуби унинг Конституцияси қонунлари ва уларни ижро қилиниши билан белгиланади.

Менинг фикримча, қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси ҳар томонлама мукаммал ишланиб, ривожланган давлатлар Конституцияси даражасида тайёрланган.

Шуниси эътиборга лойиқки, унда давлат ҳокимиятининг учта, яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниши бу ҳуқуқий давлат пайдо бўлишининг пойдеворидир.

Агарда биз Ўзбекистонимизнинг ўтиш давридаги ички қийинчиликларини ва Ўзбекистон атрофида жойлашган давлатларда бўлаётган воқеаларни ҳисобга олсак, бизнинг давлатга кучли бошқарув системаси керак.

Конституциядаги Президентнинг Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиши худди шундай кучли бошқарув системасидир. Буни АҚШ ва Франция давлатлари мисолида тўғри эканлиги ни билсак бўлади.

Масалан, Францияда парламент давлат ички ва ташқи сиёсатини асосий йўналишларини белгилаб беради ва парламентнинг умумий назоратини ташкил этади.

Аммо, парламент бу давлатда ижроия ҳокимиятнинг ваколатларига далхдор бўлган қарорларни қабул қилишга ва ижроия ҳокимиятнинг ишларига аралашмайди.

Бизнинг янги Конституциямизда ҳам шундай тартибни, бошқарув ва ижроия ҳокимиятлар ўртасида аниқ бўлинишини, президент имкониятларини кенгайтиришни таъминлашимиз керак.

Янги Конституциямиздаги Президентнинг ижро этувчи ҳокимият идораларини тузиш тўғрисидаги фармонлари Олий мажлис томонидан тасдиқланиши эса ҳокимиятларни тақсимлаш қоидасига зиддир. Акс ҳолда Олий мажлис муҳим масала ўрнига кўп вақт Президентнинг фармонларини тасдиқлаш билан овора бўлиб қолади.

Менинг фикримча, қўш ҳокимиятчилик ҳам тугатилиб ҳокимлик тизимига ўтилгани тўғри бўлди. Баъзилар ҳокимлар тегишли Советларда сайлансин деган фикр билдирмоқда. Бу нотўғри бўлади.

Вилоят ҳокимини Президент томонидан тайинланиши ва сўнгра вилоят Совети сессиясида тасдиқланиши тўғри. Чунки, Президент давлатдаги асосий арбоб. У давлат ижроия ҳокимиятига ҳам раҳбар экан, уни ҳокимларга нисбатан ҳуқуқи бўлиши керак. Акс ҳолда яна бошқарув системасини кучсизлантириб қўямиз.

Шу ўринда Конституцияда кўрсатилганидек, мен парламентнинг қисқартирилиши тарафдориман. Бундай ҳолат парламентни оперативлигини ва иш самарасини оширади, деб ўйлайман. Унинг таркибида кучли иқтисодчи, сиёсатчи ва ҳуқуқшунослар бўлиши керак.

— Ҳозир жиноятчилик даражаси пасаймаётганлиги ҳаммага аён. Сиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида кўп йиллар ишлагансиз. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

— Менимча, жиноятчилик даражасини пасаймаётганлигининг асосий сабабларидан бири, бу иқтисод билан боғлиқдир. Қайси жамиятда иқтисод даражаси туша бошласа, жиноятнинг баъзи турлари (ўғрилик, талончилик ва ҳоказо) ўса бошлайди. Шунинг учун иқтисодий қийинчиликларимиз ўтиб кетса жиноят ҳам пасая бошлайди.

Иккинчидан, албатта жиноятчиликка қарши қонунларимиз тезроқ қабул қилиниши ёки такомиллаштирилиши зарур.

Ҳозир қонунларнинг қабул қилиниши ҳаётдан озгина орқада қолмоқда.

Учинчидан, қонунларнинг муқаддаслиги, уни ҳамма учун баб-баробар мажбурий эканлигини, қонун ижросини таъминлаш зарур.

Бунинг учун ҳамма давлат органлари, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бирдек ишлаши зарур.

Шуни унутмаслик лозимки, жамиятнинг барқарорлиги, давлат мустаҳкамлиги, унинг қонунларини мукаммаллигидадир.

Фурсатдан фойдаланиб, «Ўзбекистон овози» рўзномаси орқали юксак ишончлари учун ўз сайловчиларимга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Газета ижодий ходимларига эса худди ҳозирги сингари жўшқинлик, дадиллик ва омад тилаб қоламан.

Суҳбатдош Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮРАГИ КАТТА ОДАМ

Қумқўрғонлик фермер Маматраим Бўриевнинг ҳаётидан лавҳалар

Маматраим Бўриев Қумқўрғоннинг «Ёш ғайрат» деган қишлоғидан. Олтмиш тўққизга кирди. Юрагим ҳалиям отнинг юрагидай, узункун ишлайин — чарчамайман, толмайман, деб мақтанишни хуш кўради.

Чорвадор одам. «Қизил Октябрь» деб аталадиган хўжаликда (ҳозир бу хўжалик Нурмамат Мирзаев номи билан юритилади) ўттиз йилча зоотехник бўлиб ишлади. Сўнг чорвада мудир бўлди. Ҳозир — фермер. Аслида фермер хўжалиги Эркин деган ўғлининг номида. Лекин ишнинг бошида ҳамон — Маматраим бобо.

Фермер хўжалиги бундан ўттиз беш йилча бурун қурилган, тўкилиб-сочилиб қолган қўрада жойлашган. Тўқсон иккинчи йилнинг бошида бу ерга Эсон раис келди. Маматраим бобо раисга, шу ердан янги молхона қурайлик, ёрдамлашинг, колхоз қуриб берсин, деди. Раис қурилишнинг паст-баландини биладиган одам, мухандис. Хомчўт қилди, қурилишга беш миллион сўм керак. Бунга сизнинг ҳам, колхўзнинг ҳам кучи етмайди, ёрдам беролмаймиз, деди.

Шунда Маматраим бобо майда тилла тишларини кўрсатиб кулди, раисга қаттиқ қаради. Беш миллионга колхўзнинг кучи етмаса, менинг кучим етади. Кўрасиз, раис, қишга қадар молхона қуриб олмасам, Маматраим отимни бошқа қўяман, деди.

Қурилиш бошланди. Бир эски молхонанинг ташландиқ иморатини бузиб, ғиштини, ёғочини ташиб олдилар. Маматраим бобо қурувчи ёллади. Уларнинг ҳар бирига кунига саксон сўмдан пул берди. Иссиқ овқат берди. Ўзининг ёнидан, албатта. Фермер хўжалигининг одамлари, тракторчилари ишлади, ўзи ишлади.

Маматраим бобо айтганини қилди. Эни олти метр, узунлиги юз йигирма метрлик молхонани айтган муддатида қуриб битказди. Шифер етмай қолди. Шунда у чўнтагидан пул чиқариб, 400 дона шифер сотиб олди. Ўзи эшик ясади. Дераза—ром ясади. Хуллас, бобо отини бошқаламайдиган бўлди.

Янги молхонага бир куни колхўзнинг бош зоотехниги келди. Чорванинг китобини ўқиган-да, молхонанинг сатҳини ўлчаб, бу ерга 300 сигирни жойлаштирса бўлади, деди.

Маматраим бобо янги молхонага беш миллион эмас, 250 минг сўмча пул харж қилди. Энг муҳими, бу йилги қишнинг изғиринли кечаларида у молларига алағда бўлмай, тинчгина ухлайдиган бўлди.

Колхоз айтди, буғдойдан бўшаган шу ўн бир гектар ерга маккажўхори экинг, силос қилиб оласиз, деб. Маматраим бобо «Волга»ни миниб чопа-чоп қилди. Ерни апил-тапил ҳайдатиб, даланинг бошига чигит экадиган (колхўзнинг бергани-да) машина олиб келди. Уруғ етмай қолди, у ҳаш-паш дегунча уруғ топиб келди.

Маматраим бобо бировнинг оғзига қараб ўтирмади, ўзи билганча суғорди, озиқлантирди. Маккажўхоридан ҳам дон, ҳам силос олди. У тарозини яхши кўради. Фермасига келтирилган бедани тарозидан ўтказади. Бозордан сотиб олиб келган молни тортиб, сўнг подага қўшади. Маккажўхорининг сўтасини ҳам тарозидан ўтказди — 103 тонна чиқди. Колхўзга, гектаридан эллик центнердан макка дони олдим, деб маълумот берди.

— Йигирма тонна донни уруғлик учун ажратиб қўйдим, — дейди бобо. — Агар шу дон молимдан ортиб қолса, килосини йигирма сўмдан сотаман. Бу тўрт юз минг сўм пул бўлади.

Бу гапни эшитганимдан сўнг орадан кўп ўтмай вилоят деҳқончилик уюшмаси мутахассиси Усмон Тожиевни кўриб қолдим. У вилоятимиз тўқсон иккинчи йилда 4 минг гектар ерда дон учун маккажўхори экиб, 13 минг тоннага яқин макка дони олди, деди. Энди солиштиринг: Бўриев буғдойнинг жойида экилган 11 гектар ердан 103 тонна сўта (сўтанинг 68 фоизи дон бўлади) олаяпти. Ўша 4000 гектар Бўриевнинг 11 гектарича ҳосил берганидами, вилоят йил давомида 16 минг тонна сўта (бу 266 вагон дон дегани) кўп ишлаб чиқарган бўларди!

— Ҳалиям, э-э, маккайининг кўпи исроф бўлиб қолди, — дейди Бўриевнинг хўжалигида тракторчи бўлиб ишлайдиган Ғаниев Соат деган йигит. — Исроф бўлгани шундан: уруғ олтмишлик қилиб экилган. Маккани ўриб оладиган комбайин — етмишлик. Комбайиннинг изидан ҳосил ерга тўшалгандай бўлиб қолди. Ерга тушганини қишлоқнинг одамлари териб кетишди. Мен ўзим қўл учида бир тоннача сўта териб олдим. Маккайидан 40 центнердан ошириб дон олиб бўлмайди деган гап — бекор гап экан. Юз центнердан олса бўлар экан!

Бобони ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Биров унинг ишчанлигини тан олади, биров — йўқ. Биров уни оғзи полвон, мақтанчоқ дейди, яна биров чол Эсон раисни гоҳ қўрқитиб, гоҳ келишиб, колхўзнинг молини лўқиллатиб томоғидан ўтказиб ётипти, деб ўйлайди. Яна биров колхўзга келган тафтишчининг қулоғига секин шипшитади, шу чолнинг нафси бежороқ, майдалаб кўрасиз, дейди.

Тўқсон иккинчи йили колхўзга келган Абдиқосимбой деган тафтишчи ҳам биров қулоғига гап солдими, йўқми, бобонинг хўжалигини майдалаб кўрди. Кўриб бўлиб, уни ҳузурига чақирди.

— Ишингиз пишиқ экан-а, бобо. Бир сўмлик ҳам ғирром гап тополмадим-а, — деди.

Бобоси тушмагур кулиб тураверди.

— Абдиқосимбой, энди бобой, мен тўғри ишлаяпман, деб, биздай мусофир меҳмонга бир пиёла чой ҳам бермасайдингиз, деди.

— Мен умримда бировдан қўрқмаганман. Бировга хушомад қилмаганман. Сизга ҳам хушомад қилмайман. Нима, қўй сўйиб, колхўзнинг гасницасига (меҳмонхонасига, демоқчи) об келайми. Об келсам, одамлар, ҳай Маматраим чол, айбинг борки, тафтишчининг олдида тиззанг қалтираб қопти, деймайма, — деди.

Тафтишчи бўлиб, ҳали бунақа гапни эшитмаганиданми, Абдиқосимбой бир замон мулзам бўлди. Бундан Маматраим бобонинг бадтар завқи келди. Кулди. Ҳамсуҳбатига бир қадам яқин сурилди.

— Хушомад қилишни билмаганимиз билан одамгарчилик қилишни биламиз, Абдиқосимбой, — деди. — Бизнинг элимиз—танти эл. Лекин ким чуғаллаганини сўраганим билан айтмайсиз. Бироқ, бировга чой бермайдиган хасис чол, деб ўйламанг. Уйимга борасиз, мошинингизнинг юкхонасини очасиз. Битта тўхли ташлайман, бола—чақангиз билан мазза қилиб жийсиз... Гасницада чой қилсам-чи? Мен — хушомадгўйга, сиз — порахўрга ўтасиз. Шундай эмасма?

Маматраим бобо кулди. Бу гал Абдиқосимбой ҳам кулди.

Бир мавридини топиб мен бободан, тафтишчи ўша тўхлини олиб кетдими, ишқилиб, — деб сўрадим. Маматарим бобо яна кулди. Ҳамма гапни газетага ёзавермаслик керакдир, деди. Мен индамадим.

Маматраим бобо тижоратни яхши кўрадиган, тижоратга пухта одам. Уйига бир одам келди. «Волга»нгизнинг эски моторини менга сотинг, деди.

— Сотмайман. Ёнилғига айирбош қиламан.

Орадан икки кун ўтиб, мотор сўраган киши бобонинг уйига беш тонна солярка олиб келди. Ўша солярка билан бобо бир йил хўжалигининг бешигини тебратди.

У ҳа, деганда колхўздан у-бу нарса сўраб боравермайди. (Колхўз у сўраган нарсани беравермайди ҳам). Лекин колхўз ундан бирон нарса сўраб келса, йўқ дея олмайди. Юқоридан «тўққиз ойлик режангни бажар», деб раисни қисташганда, у бобонинг олдига келди. Бир оғиз гап билан бобо тўққиз тонна гўшт топширди. Шунда раис, энди ўша гўштнинг пулини бизга беринг, аҳолидан гўшт сотиб олайлик, аҳволимизга қаранг, деди. Бобо раиснинг аҳволига қаради. Энди Маматраим бобо колхўздан икки нарсани кутаяпти. Бири: ҳозир фермернинг қўрасида 318 қорамол бор. Шу молнинг 217 таси колхўзнинг «24-форма» деган дафтарида ҳисобда турипти. Шуни дафтардан чиқарса-ю, колхўз ҳаммасини бобога ижарага берса, фермернинг эркинроқ ҳаракат қилишига имкон яратиларди.

— Иккинчидан, бизга ажратилган ер ҳам омонат, — дейди бобо. — Мана, Президентимиз ерни фермерга ижарага беринглар, эгасига беринглар, деяпти. Бизникилар бўлса шу гапларни эшитиб, эшитмасликка олишади. Мен, масалан бир раис учун ёки бир буғолтир учун ишлайдиган бўлсам — ишламайман. Кунинг ўтарини кўзлайман. Ўзимга ишлаётганимни билсам... чарчамайман. Ишлаган — ёлчийди. Якка-ярим одамнинг ишлагани камлик қилади. Эл ёлчимоғи учун ҳамма ишламоғи, ҳалол ишламоғи керак. Раҳбарлар энди ерга қараб юрмасдан ҳамманинг яхши ишлашини таъминловчи усулни қилиши керак. Бу дунёда нима ёмон — тарафкашлик ёмон. Мансаб талашлик ёмон. Бу дунёда нима яхши — ҳалол ишлаган яхши. Ҳалол ишлаган одам ҳеч нарсадан қўрқмайди. Ҳеч нарсадан қўрқмай яшаган одам узоқ яшайди...

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Сурхондарё.



УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

Сирдарё вилоятининг Оқолтин районидаги нон маҳсулотлари комбинатида асбоб-ускуналарни янгилаш туфайли меҳнат унумдорлиги анчагина ошди. Қувватлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида корхонанинг айрим участкалари кечаю-кундуз ишлаш усулига ўтди. Бу кўплаб малакали кадрларни иш жойида сақлаб қолиш имкониятини берди.

Ҳозир жамоада 520 киши меҳнат қилаётир. Улар астойдил ишлаб фақат Сирдарё вилоятини эмас, балки қўшни вилоятларни ҳам ун билан таъминлашга ҳисса қўшмоқдалар. Фойда ошиши туфайли одамларнинг ойлик маошлари ҳам кўтарилди. Ҳозир ходимлар 5,5—6 минг сўм маош олаётирлар. Меҳнат шароити яхшиланиб иш ҳақи ортган бўлса ҳам комбинатнинг қувватларидан ҳали тўла фойдаланилмаяпти. Бунга сабаб хом ашё етишмаётганидир. Масалан озуқа цехи бир кечакундузда 630 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бироқ ҳозир атиги 420 тонна озуқа тайёрламоқда, холос.

Суратларда: 1. слесарь Тоҳир Каримов. 2. Лаборант София Абдулина ва муҳандис Ойимхон Сахова аралаш озуқа сифатини кўздан кечиришмоқда.

Б. ТЎРАЕВ олган суратлар (ЎзА).



ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ БЎЛИМИ

● Қаршида республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлимининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳалла қўмиталарининг раислари, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар маҳаллалар обрўйини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармасини ташкил этиш, унга маблағ ажратиш тўғрисидаги фармонини шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси зўр қувонч билан кутиб олганлигини таъкидладилар. Нотиқлар маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш учун турли тадбирлар ўтказиш, кичик корхоналар очиш, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмаклашиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида тўхталдилар.

Таъсис қурултойида республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими тузилди. Вилоят ҳокимлигида мутахассис бўлиб ишлаб келган Р. Раҳимов бўлим бошқаруви раиси этиб сайланди.

Дастлабки кунларданоқ вилоятдаги йирик корхоналар жамғармани моддий қўллаб-қувватлашмоқда. Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлимининг Қарши қурилиш саноат банкида очилган жамғарма ҳисобига «Қаршииндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шўртангаз» конлари бошқармаси, Шаҳрисабз арақ-вино, пахта тозалаш заводлари100 минг сўмдан, вилоят деҳқончилик-саноат давлат кооператив уюшмаси 1 миллион, «Қашқадарё» давлат савдо концерни эса 200 минг сўм миқдорида маблағ ўтказдилар.

М. КАРОМОВ.

ТЕЖАЛГАНИ— НАҚД БОЙЛИК

«Ўзэнергоназорат» идорасига киришингиз биланоқ «Электр асбобларини ўчиришни унутманг!» деган ёзув эътиборингизни тортади. Ўз хусусиятидан келиб чиқиб, корхона тежамкорликни ёқлаётгани бежиз эмас.

Негаки, ҳали ҳам жойларда электр энергиясидан унумли фойдаланишга эътибор берилмаяпти, ортиқча ҳаражат, хўжасизликнинг йўлига қатъий ғов қўйилмаяпти. Саноат, қурилиш, деҳқончилик саноати тармоқларида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ўтказилган текшириш натижалари буни кўрсатиб турибди.

— Республикамиздаги электростанцияларда бир кунда 140 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиниб, эҳтиёжни қаноатлантиряпти, — дейди «Ўзэнергоназорат» идораси директори Тўлқин Мавлонович Тошпўлатов. — Бошқачасига айтганда, 140 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилишга 10 минг тонна кўмир, 5 минг тонна мазут, 4,5 миллион кубметр газ сарфланмоқда.

Октябрь ойида ёқилғининг таннархи ошди. Бу электр энергиянинг қийматига ҳам таъсирини ўтказди. Эндиликда у бюджетдан ташқаридаги корхоналарга, хўжаликларга, ташкилотларга эркин нархда сотилмоқда. Бошқачасига айтганда, кичик бир корхона ёки шунга ўхшаш ташкилот сарфлаётган бир киловатт-соат электр энергиясининг қиймати олдингидай 52 тийин эмас, 5 сўм 36 тийинга тўғри келмоқда. Аҳолига эса 40 тийиндан — беш баравар зиёнга сотилмоқда.

Нархнинг ошиши айрим истеъмолчиларни электрдан оқилона фойдаланишга ўргатди. Тошкентдаги «Миконд», экскаватор ремонт заводлари, Ангрен сопол буюмлари комбинати, Оҳангарон темир-бетон заводи жамоалари тежамкорлик йўлини танлашди. Бу билан ҳар бир корхона 1 миллион сўмдан ортиқ маблағни тежади. Ўз навбатида электрстанцияларда ҳам шунга яраша ёқилғи сарфи камайди.

Аммо айрим жамоаларга электр энергиясини иқтисод қилиш икки тарафлама фойдали эканлиги ҳали ҳам етиб боргани йўқ. Шу боисдан ноябрь ойидан бошлаб республикамизда энергия сарфини текширишга киришилди. Дастлабки текширувларда 102 корхонада бефойда ишлаётган ускуналар ўчирилди. Уларнинг умумий қуввати 10 миллион киловатт-соатни ташкил этади.

Агар бундай хўжасизлик йўлига ғов қўйилмаганда ҳалигача ҳар куни 75 минг сўмлик маблағ ҳавога совурилаверарди. Электр энергиясини ўғирлик йўли билан ишлатган хонадонлардан эса 57 минг сўм жарима ундириб олинди.

Халқимизда: «Тежалгани — нақд фойда» деган нақл бор. Бу — ҳақ гап. Электр энергиясини тежаш, ундан унумли фойдаланиш, айниқса ҳозирги оғир иқтисодий шароитда жуда зарур.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

• *Қиш—имтиҳон мавсуми*

ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИНИ ЎЙЛАБ

⊙ Яқинда Андижондаги мухбиримиз уч ташкилот раҳбарига «Қишга нималар жамғардингиз?» деган савол билан мурожаат қилди. Қуйида ана шу мулоқот тафсилотини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Бирлашмамиз жамоаси 152 минг тонна сабзавот, мева, картошка, полиз маҳсулоти тайёрлаб, уларнинг бир қисмини бошқа минтақаларга юбориб, вилоятимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан алмаштирди, — деди Андижон вилояти кооператив тайёрлов-савдо бирлашмасининг раиси **Рафиқжон ҚЎЧҚОРОВ.** — Тайёрлов идораларимизда 14 консерва цехи ишлаб турибди. Шакар ва шиша идишлар тақчил бўлишига қарамай бу цехларда 12 миллион шартли банка мева, сабзавот консерваси ишлаб чиқарилди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 миллион шартли банка кўп.

Айни вақтда қишга маҳсулот сақланадиган омборларни кенгайтиряпмиз. Андижон районидаги корхонамиз янги жойга кўчирилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланяпти. Комсомолобод, Шаҳрихон, Балиқчи, Пахтаобод ва бошқа районларда ҳам маҳсулот сақланадиган омборлар кенгайтирилди.

Қиш-қировли кунлар яқинлашиб қолди. Қишга 19,6 минг тонна картошка, 3 минг тонна мева, 6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 142 тонна узум, 36 минг тонна сабзавот сақлаб қўйилди. Омборларимизда қишга сақланаётган маҳсулотларнинг миқдори билан бирга тури ҳам кўпайди. Ошқовоқ, мош, ловия, ҳатто аччиқ қалампиргача жамғардик. Четдан 2 минг тонна буғдой, 2325 тонна гуруч олиб келдик.

Шу кунларда тайёрловчиларимиз бошқа республикаларга бориб, янги шартномалар тузишяпти. Қозоғистоннинг Тўрғай вилоятидан 10 минг тонна буғдой олиш учун келишиб қўйдик. Шунингдек, гуруч, шакар, тухум харид қилиш бўйича ҳам иш олиб боряпмиз.

Вилоят мева-сабзавот тайёрлаш бирлашмасининг раиси **Миробид МАҲМУДОВ** саволимизга қуйидагича жавоб берди:

— Бирлашмамиз савдо бошқармаси асосан Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари аҳолисига ҳамда давлат таъминотидаги муассасаларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради. Бошқарманинг Андижон ва Ахтачидаги марказий базаларида ҳамда тайёрлов-сотув корхоналарида ҳозиргача 14 минг тонна сабзавот, 3 минг тонна мева, 600 тонна узум, 2800 тонна полиз, 9 минг тонна картошка тайёрланди ва қишга сақланмоқда.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда маҳсулот сақланадиган омборхоналар қуряпмиз. Хўжаобод районидаги М. Мадиёров номли агросаноат комбинатида 3 минг тонна мева сақланадиган омборхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий типда қурилган бу омборхонага 2,5 минг тонна маҳсулот сақлашга қўйилди. Бундай омборхоналар Андижон районидаги «Известия» давлат ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида ҳам ишга туширилди ва уларда қиш ва баҳорга маҳсулот сақланяпти...

— Халқ ғамидан буюкроқ иш йўқ, — деди вилоят ҳокимининг муовини **Б. ОЛИМЖОНОВ,** — одамлар осуда ҳаёт кечиришлари учун қиш мавсумида ҳам мева-сабзавот истеъмол қилиб туришлари зарур. Бу йил вилоятимизда ана шу эҳтиёжни қоплайдиган даражада маҳсулот етиштирилди ва тайёрланди. Вилоятимизда қишга ҳеч қачон бу йилгидек кўп картошка жамғарилмаган эди. Лекин бу картошканинг қарийб 90 фоизи Польша ва бошқа жойлардан келтирилди. Унинг бир қисми валюта эвазига олинди. Оқибатда картошка жамғариш жуда қимматга тушди...

Ҳоким муовинининг бу гапи менга уч-тўрт йил илгариги воқеани эслатди. Вилоятдаги барча хўжаликларда биттадан бригадада картошка етиштириш йўлга қўйилган эди. Ўша йили бозорда картошка сероб ва арзон бўлганди. Кейинчалик бу ташаббус ўз-ўзидан сўниб кетди. Бизнингча, ўша тажрибага яна қайтиш керак.

Бу йил Қўрғонтепа районидаги «Дардоқ» давлат хўжалигининг уч бўлимида 60 гектар майдонга Голландиядан келтирилган серҳосил картошка уруғи экилиб, ундан юқори ҳосил олинди. Бу тажриба бошқа хўжаликларда ҳам оммалаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ АЙТГАНИ ҲАҚ ЧИҚАР...

*

Хатлар... хатлар...
Ичи тўла дардлар..

Таҳририятимизга кейинги ойларда хатлар жанубга кўчган қушлардай ёпирилиб келаяпти десак, муболағa деб ўйламанг. Аслида шундай бўлиши керак, ҳам ўзи.

Хатларда мақтов ва миннатдорчилик ҳам, сийлов ва лутф ҳам, ва, албатта, танқид ҳам бор. Зеро, одам кўнглидагини ёзади. Газета эса, имконият даражасида унга кўмак бўлади. Бундай ҳамкорликсиз ҳар қандай нашрнинг йўли қисқа.

Бизга кўпроқ ёзинг, қадрли газетхон. Ташвишу қувончингизда шериқмиз. Бекорга ихлос қўйиб, айнан бизнинг нашрга обуна бўлмагансиз, ахир.





• ЛУТФ ЭТАДИ

ДАРЁ ОРТИДАН СОВҒА

Карим Раҳимий улуғ Беҳзоднинг Ватани Ҳиротдан. Унинг устози Муҳаммад Саид эса ўша машҳур зот — Беҳзод мактабининг давомчиларидан биридир. У Алишер Навоий болалигидан то умрининг охиригача даврни ўз ичига олган йирик санъат асарини яратган мусаввирдир.

Афғон ёшларининг суюмли мусаввири Карим Раҳимий ҳозирда Қобул университетида бадиий санъатдан дарс беради. У атоқли адиб Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» асарининг муқовасига ишлаган безагини редакциямизга тақдим этди. Тўғрироғи, уни редакциямизга афғон олими, ёзувчи ва шоир Абдулҳаким Жузжоний орқали бериб юборибди.

Биз иккала биродаримизга ҳам чуқур миннатдорчилик билдириб, суратларни сиз азиз газетхонларга ҳавола этдик.

МУШТАРИЙ:

Таклиф билдиради

ИСТАК

Ўз халқига, гўзал миллий диёрига, озод мустақил бўлган Ватанига фидойи давлат арбоблари, элига садоқат билан хизмат қилган донолар орзуларига етолмай, озодлик йўлида шаҳид бўлиб кетдилар. Оллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин, омин. Республикамизнинг Олий Кенгаши ташаббуси билан: «Озодлик қаҳрамони» деган олий унвон таъсис қилинса-ю... Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Ҳабиб Абдуллаев, Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов (вафотларидан сўнг) ва халқимизнинг жасур фарзанди, Президентимиз Ислом Каримовга берилса, нур устига аъло нур бўларди.

Шунда миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ва тарихимизга чуқур ҳурмат билдирган бўламиз.

Анвар АҲМЕДОВ,
Халқ маорифи аълочиси,
Тошкент шаҳри.

Ташаккур айтади

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОИЙСИ

Мен 65 ёшдаман, нафақа оламан. Тўрт фарзандим, ўн тўртта набирам бор. Кейингилари тез-тез касалга чалиниб туришади. Самарқанд шаҳридаги болалар касаллиги жарроҳлик шифоханасининг бош врачи Азамат Шамсиев ана шундай дамларда набираларимга алоҳида меҳр билан қарайди. Билсак— унга мурожаат этганларнинг ҳаммасига ҳам бош врач ширинсуханлик билан хушмуомалада бўлиб меҳрибонлик кўрсатар экан.

Қўли енгил жарроҳ туфайли набираларим Дилдора, Ҳасан ва Зуҳралар тойчоқдек чопқиллаб кетишди.

Ўйлаб-ўйлаб газета орқали бу ўз касбининг фидойиси бўлган шифокорга оиламиз миннатдорчилигини билдиришга аҳд қилдим.

Мушарраф СОЛИЕВА,
Хатирчи шаҳри.

Танқид қилади

ОТДАН ТУШИНГИЗ, БЕГИМ!

Ҳозир жуда оғир аҳволга тушиб қолдик. Чунки шаҳар транспортида тартиб йўқ. Айниқса, кечки пайт ишдан қайтарда уйга кеч боришга тўғри келади. Чунки, автобус қатнови жуда ёмон. Ўзим қатнайдиган 34, 28, 10, 82-автобуслар ўрнига кўпинча номерсиз автобуслар юради. Охирги тўхташ жойи — ТашМИдан одамларни олиб, ҳеч қаерда тўхтамай ўтиб кетади. Бу йўловчиларда норозилик туғдириши турган гап. Тўғри, бу ҳақда кўп гапирилади, радио-телевизорларда танқид қилинади .Бироқ натижаси йўқ.

Жуда бўлмаса бир ҳафтагина мутасадди вазирлик масъул ходимларининг давлат машиналарини олиб қўйиб, «Шаҳар транспортидан фойдаланинг, «Отдан тушинг, бегим», дейилса эди!.. Зора, шунда бу бошлиқлар — оддий халқнинг муаммоларини тўғри тушуниб масъулиятли вазифасини сидқидилдан бажарса...

И. МИРХЎЖАЕВ,
Улуғ Ватан уруши ногирони.
Тошкент шаҳри.

«БУЮК ТЕМУРЛАНГ ТАРИХИ» КИТОБИ

Ҳурматли бош муҳаррир!

Бундан икки-уч ой бурун Самарқанд музейида Амир Темур ҳақида бир китоб топилганидан хабарингиз бор. Ушанда, Сизнинг газетангиз бу ҳақида Фармон Тошевнинг хабарини ҳам босган эди. Ҳатто, Сиз китобга қизиқиб, уни тезда таржима қилишимизни ҳам сўрагандингиз. Афсуски, китоб бизнинг қўлимизда бор йўғи икки ҳафтача сақланди. Шу орада музейга янги директор (обкомнинг собиқ бўлим мудири) тайинланиб, у китобни биздан ўша куниёқ олиб қўйди. Фармон Тошев китобни сўраб у зотгга бир неча бор мурожаат қилди, бироқ... Дўстимизда айб йўқ.

Мен ўша китоб ҳақида ушбу мақолани битдим ва Сизга юборишга қарор қилдим. Китобнинг титул варағининг суратини ҳам қўшиб юборяпман. Мақола чиққач, зора янги директорга инсоф бериб, китобни таржима қилишга рухсат этса...

Эҳтиром билан: муаллиф.



Улуғ бобомиз соҳибқирон Амир Темур ҳақида жаҳон тарих илми ва бадиий адабиётида кўплаб китоблар битилган. Шу ўринда, Ғарбий Оврупо олимлари яратган тадқиқот ва тарихий-бадиий асарларнинг ҳам салмоғи каттадир.

Даставвал, Амир Темур сиймоси Оврупо адабиётида яратилган бадиий асарларда енгилмас жаҳонгир қиёфасида талқин қилинган эди. Бунга мисол қилиб, улуғ Шекспирнинг устози, инглиз драматурғиясининг отахони Кристофер Марло (1564-1593)нинг «Буюк Темурланг» (1587) фожиасини келтириш мумкин. Ўша кезларда Оврупо бўйлаб тарқалган жаҳонгир Темур ҳақидаги ярми рост, ярми афсона ҳикояларнинг бадиий талқинидан иборат бўлган бу асар инглиз театрлари саҳнасида ўйналгач, соҳибқирон ҳақидаги турли-туман мазмунли ривоятлар халқ орасида янада авж олади. Ҳатто, ўтмишнинг Александр Мақендонский ва Юлий Цезарь сингари машҳур саркардалари ҳам таърифу таҳсинда «Оврупо ҳалоскори» жаҳонгир Темур номи соясида қолиб кетади.

Шундан сўнг, даврининг номдор муаррих ва қаламкашлари Амир Темур ҳаёти, ҳарбий юришлари ва давлат юритувини таъриф этувчи китоблар ёзишга киришадилар. Оврупо тарих илмида соҳибқирон Амир Темур фаолияти ҳақида кенг билим берувчи тарихий-бадиий рисолани биринчилардан бўлиб франгистонлик муаррих жаноб ду Сэнксйон ёзди ва «Буюк Темурланг тарихи» номи билан уни 1678 йилда Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида чоп эттирди.

Даровқе, ўтган уч юз йил давомида биргина Франгистоннинг ўзида жаҳонгир Темур ҳақида ўндан ортиқ китоб, юзлаб мақола ва хабарлар босилиб чиқди. Шу ўринда Петн дў ла Круанинг «Темурланг тарихи» (1722), Ланглэнинг «Темурнинг сиёсий ва ҳарбий бошқарувлари» (1787), М. дў Тиллининг «Мўғиллар ҳоқони ва Осиё ҳукмрони Темурнинг тарихи» (1739), М. Шармуанинг «Темурнинг Тўхтамишга қарши юришлари» (1835), Ф. Невнинг «Темур ва Шоҳруҳ урушларининг таърифи» (1852), Ж. Капюнинг «Темурланг подшолиги тарихи» (1892), Л. Бувайнинг «Мўғул империяси» (1927), Р. Груссенинг «Чўллар подшоси» (1938), А. Шампдорнинг «Темурланг» (1957), Л. Кэреннинг «Темурланг» (1978) ва Ж.-П. Рунинг «Темурланг» (1991) номли китобларини тилга олиб ўтиш жоиздир.

Шу йилнинг ёзида, бир журналист дўстим Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи фондида ноёб бир китоб борлигини айтиб қолди. Китоб билан танишиб чиқдим. (бунинг учун музейнинг собиқ директори, тарихчи олим Раҳимжон Юсуповга ўз миннатдорчилигимни айтмоқчиман). Тасодифни қарангки, бу китоб — франг муаррихи жаноб ду Сэнксйоннинг ўша 1678 йил Амстердамда нашр қилинган «Буюк Темурланг тарихи» рисоласининг бир нусхаси бўлиб чиқди! Во ажаб, уч юз йил бурун Оврупода чоп қилинган бу асар қандай қилиб Самарқандга келиб қолдийкин? Китобни асраб-авайлаб сақлаб келишган музей ходимларига тасаннолар айтсак арзийди.

Китобнинг титул варағида «Истуар дю гран Тамерлан» (Буюк Темур тарихи» деган ёзув бор. Унинг тагига «Бир ажойиб қўлёзма ва бошқа асл нусхалардан олинди», деб қўшиб қўйилган. Китоб қиролга «Бағишлов», «Кириш» ва саккиз бобдан (1-боб: «Темур таваллуди ва ёшлик даври»; 2 боб. «Темурнинг москваликларга қарши юриши»; 3-боб «Темурнинг Хитой подшосига қарши уруш эълон қилиши. Татар ҳокимларнинг бош кўтаруви оқибатида урушнинг кечиктирилгани»; 4-боб «Темурнинг Хитойга юриши»; 5-боб. «Темурнинг Туркия султони Боязидга қарши юриши»; 6-боб. «Темурнинг Мисрга уруши»; 7-боб. «Султон томонидан қамал қилинган Қоҳирага ёрдам... Султоннинг мағлубияти ва ўлими»; 8-боб. «Темурнинг бетоб бўлиши ва вафоти») иборат бўлиб, уч юз тўқсон уч саҳифани ташкил қилади.

«Буюк Темурланг тарихи» китобининг мазмуни билан танишиб чиқиб унинг соҳибқирон ҳаёти ва жаҳонгирлик юришларидан ҳикоя қилувчи ўзига хос оргинал асар эканлигига шоҳид бўлдик. Даровқе, китобни ёзишда муаллиф шарқлик машҳур муаррихлардан Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарига кўпроқ суянганлиги сезилиб туради. Буни жаноб дў Сэнксойнинг қуйидаги сўзларидан ҳам англаш қийин эмас: «... Амир Темур тарихи манбаларда турлича талқин этиб келинади. Уларнинг аксарияти соҳибқирон ҳаёти ҳақида ўқувчига тўла маълумот беролмайди. Фақат машҳур араб муррихи Ал-Ҳасан (Арабшоҳ, исмининг нотўғри талқини бўлса керак. — М. Х.) яратган тарих улар орасидаги энг ишончлисидир. Чунки, бу довюрак инсон ҳамиша Темурнинг ёнида бўлган, жангу-жадалларида кузатувчилик қилган, энг асосийси, жаҳонгирнинг барча ғалабаларини ўз кўзи билан кўриб қалам юритган.

Жаноб дў Сэнксйоннинг айнан ибн Арабшоҳ китобига таянганлигини асословчи яна бир далил шундаки, яъни муаллифнинг «Ажоиб улмақдур фи ахбори Темур» асари 1658 йилда шарқшунос П. Ватйе томонидан франг тилига таржима қилиниб чоп этилган эди. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-Садайн ва мужамма ал-Бахрайн» ва Шарафиддин Али Ядзийнинг «Зафарнома»си эса дў Сэнксйоннинг «Буюк Темурланг тарихи» чиққандан сўнг, яъни 1715 ва 1722 йилларда франг тилига таржима қилинган. Демак, дў Сэнксйон ўз асари жилдида эслатган «Бир ажойиб қўлёзма»дан фойдаландим деганда, айнан Ибн Арабшоҳнинг юқоридаги асари қўлёзмаси ва франгча таржимасини кўзда тутган бўлса керак. Бахолонки, дў Сэнксйон ўз асарини ёзаётганида архиепископ Иоаннинг «Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар», Руи Гонзалес дў Клавихонниинг «Буюк Темур тарихи» асарлари ҳам франгча чоп этилган эди. Жаноб дў Сэнксйон бу манбалардан ҳам фойдаланган бўлиши аниқ. Унинг ўз китобида «... ва бошқа, асл нусхалардан олинди» дея таъкидлашиши фикримизни ойдинлаштиради.

Жаноб дў Сэнксйон ўз китобини Франгистонда мутлақ ҳоким давлати мустаҳкамланган, қирол Людовик XIV хукмдорлик сиёсати айни авжига чиққан («Давлат — бу менинг ўзим!» деган машҳур хитоб унга тегишли — М. Х.) ва монарх тузумининг ғоявий ҳомийси сифатида бадиий адабиётда классицизм оқими яловбардорликни қўлга олган бир даврда ёзилган эди. Муаллиф ўз китобини қирол Людовик XIVга тортиқ тариқасида ёзаркан, унда Темур қиёфасини, унинг юришлари ва давлат тузумини ўз ҳукмдори таассуф олса арзигудек даражада таърифлайди. Бу ўринда эса классицизмнинг дабдабали услубидан моҳирона фойдаланади. Масалан, дў Сэнксйон Амир Темурнинг саркардалик маҳоратини таърифларкан, уни кўп ҳолларда ўтмишнинг Александр Македонский ва Юлий Цезарь каби жаҳонгирларига қиёс қилади. Шу ўринда, китобнинг «Бағишлов»ида битилган ушбу сатрларни келтираман: «Жаноб олийлари! Мана бир асрдан ошибдики, буюк Темурланг тарихи Оврупода маълум ва машҳурдир... Яна шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бу улуғ зот ҳатто Македонский ва Цезардан ҳам устунроқ бўлган. Чунки, Темур улардаги барча афзал (саркардалик маҳоратидаги) жиҳатларни қабул қилгани ҳолда, йўл қўйган хатоларини четлаб ўтган. Оқибатда, жаҳонгирлик ва зафар қазонишда Темур улардан ўзиб кетди».

Муҳтасар қилиб айтганда, франг муаррихи жаноб дў Сэнксйон ёзиб қолдирган «Буюк Темурланг тарихи». китоби бобомиз Амур Темур ҳаётидан, унинг жаҳонгирлик сиёсатидан ва одамийлик хислатларидан овруполикларни воқиф этган биринчи манба сифатида қимматлидир. Зеро бу каби нодир китобларни тўплаб ҳамда уларни тадқиқ ва таржима қилиб оммалаштириш илм аҳлининг вазифасидир.

Муҳаммаджон ҲОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори.

ГУВОҲНОМАНГИЗНИ ОЛИБ КЕТИНГ

Ҳозир одамлар ўз ғамташвишлари, юмушлари билан кўп нарсага бепарво, эътиборсиз бўлиб қолишган. Лекин арзимаган нарсадек кўринган ишлар замирида жуда кўп оворагарчиликлар бўлиши турган гап. Шу жиҳатдан ҳам ҳамкишлоғим Абдували Абдуғаниев топиб олган ҳайдовчилик гувоҳномасининг эгасини топиб, унга топшириш ниятида эдик.

Бу гувоҳнома АБДИЕВ ТЎХТАСИН ТУРҒУНОВИЧ исмли йигитга қарашли. Ҳужжатда ёзилишича, Т. Абдиев Андижон вилоятига қарашли Оқолтин районида яшар экан. У 1961 йил 30 июнда туғилган. Гувоҳномани Сирдарё вилояти ички ишлар бўлими томонидан 18 февраль 1990 йилда ёздириб олган. № 125576 АВХ. Талон № 753242.

Хуллас, бир савобли ишга қўл урдик.

Абдусалим ҲАСАНОВ.
Наманган вилояти, Поп районн «Найман» қишлоқ Совети.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ ЁЗАДИЛАР

ҚИССАДАН ҲИССА

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 19 сентябрь сонида чоп этилган «Аввало, миллий ғурур керак» сарлавҳали танқидий мақоласи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги марказий поликлиникаси жамоасида кўриб чиқилди. Ундаги танқид тўғри, деб топилди ва кўрсатилган камчиликлар тузатилди. Жумладан, Ахборот-кўрсаткич лавҳалари ўзбек тилида ёзилди, беш дақиқали йиғинлар ўзбек ва рус тилларида (жамоанинг 68 фоизини руслар ташкил қилади) олиб борилаяпти.

Давлат тилини ўрганиш гуруҳларида тарбиявий масалаларга эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармасининг бошлиғи:

С. ТОЛИПОВ.

• *Акс-садо*

«БОЛАСИНИ ЎЛДИРГАН ОТА» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

ИККИ ЎТ ОРАСИДА

«Ўзбекистон овози» газетининг шу йил 6 октябрь сонида чоп этилган «Боласини ўлдирган ота» сарлавҳали мақолани ўқиб қаттиқ таъсирландик. Абдувалига нисбатан нафратимиз ошди.

Халқимизда бир нақл бор: «Эркалатса отаси, талтаяди боласи». Даровқе, шундай. Мақолада ёзилишича, Абдували ҳам оиласида эрка ўсган экан. Хўш, бунга айбдор ким? Албатта, биринчи навбатда ота-она. Нега? Негаки, улар ўз ўғли тарбиясига яхши эътибор беришмаган. Боласи нимани истаса ўшани муҳайё қилишган. Охир оқибатда ота ўзи пиширган ошни ўзи ейишга тўғри келади.

Олтмишга кирган отангдан ош сўрама, дейишади. Бироқ Абдували Ҳамдамбободан пул сўрашини қўймайди. Хуллас, бу кўнгилсиз фожиага олиб келади.

Қаранг, ота боласининг қиморбозлар билан биргалигини била туриб, бу ҳақда жамоатчиликка, тегишли органларга мурожаат этмаган. Шундай қилганда олди олинган бўлармиди? Сўнги пушаймон, ўзингга душман, деб бекорга айтилмаган.

Мақолада муаллифлар «Ҳамдам бобо тўғри йўл тутганми?» дейишган. Ҳамдам бобо ўғлининг шунчалик ёмон йўлга кириб кетганлигидан, уни қайта тарбиялашга кўзи етмаганлигидан, ҳеч бир илож қолмаганлигидан жаҳл устида ўз фарзандининг ҳаётига зомин бўлган.

О. САЪДИНОВ, Н. ТЎЙЧИЕВ, А. АЛИМОВ,
Самарқанд вилояти Нуробод шаҳри.

ОҒИР МУСИБАТ

Ушбу мақолани ўқиб бола тарбиясида йўл қўйилган хатолар қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини янада чуқурроқ англайсан, киши. Ҳамдам бобо ўз фарзандини эркалатиб юборгани учун ўзи оғир мусибатга қолган, деб ҳисоблайман. Қисқаси, ўз фарзандини ҳалол, пок, меҳнатсевар қилиб тарбиялаган ота-онагина бахтиёр бўлади.

Қ. ОДИЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, Акмал Икромов районидаги Чопонота маҳалласи.

Андижонлик У. ҲОЛИҚОВ, тошкентлик М. АҲМАДХЎЖАЕВ, О. МАҲКАМОВлар йўллаган хат-хабарларда ҳам фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериш ҳар бир ота-онанинг бурчи эканлиги қайта-қайта таъкидланган. Акс ҳолда ноқобил фарзанд оила шаънига доғ туширибгина қолмай, жамиятга ҳам катта зарар келтириши мумкинлиги айтилган.

• *«Ўзбекистон овози»да босилгач...*

СИЗНИНГ 1992 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬ 142-СОНЛИ ХАТИНГИЗГА

Рўзномангизда 13 октябрь куни эълон қилинган «Савдодаги ғавғолар» сарлавҳали фельетон чоп этилмасдан аввал вилоят Давлат назорати бошқармасининг маълумотномалари асосида «Қашқадарёсавдо» концерни ва вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ҳайъати тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишган эди. Шу йил 25 сентябрь куни «Қашқадарёсавдо» концерни бошқаруви йиғилишида Қарши шаҳар «Озиқ-овқат» ассоциациясининг раиси ҳамда 6 октябрь куни вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси ҳайъатининг йиғилишида эса, Шаҳрисабз ва Қамаши район матлубот жамияти раислари ўз вазифаларидан четлаштирилган эди. Ушбу йиғилишлар қарорлари билан савдода жиддий нуқсонларга йўл қўйган бошқа моддий жавобгар шахсларга нисбатан ҳам қатъий чоралар кўрилди.

Шунингдек, 16 октябрда «Ўзбекбирлашув» ва 22 октябрда вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси йиғилишларида ушбу масала фельетон асосида қайта кўрилди ва вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раисига қаттиқ ҳайфсан, раис муовинларига, бўлим бошлиқларига, ноҳиялардаги матлубот жамиятлари раисларига савдода илдиз отган иллатларга йўл қўйилганлиги учун қаттиқ ҳайфсан берилди.

Вилоят ҳокимлигида ҳам танқидий мақола юзасидан қарор қабул қилинди. Район, шаҳар ҳокимларига, вилоятдаги савдо ташкилотлари раҳбарларига савдода тез кунда тубдан ўзгариш ясаш вазифаси юклатилди.

«Ўзбекистон овози» газетаси муҳарририятига ушбу фельетонни чоп этиш орқали савдода ижтимоий адолатни тиклашга ва айбдор шахсларни жазолашга ёрдам берганлиги учун вилоят ҳокимлиги чуқур миннатдорчилик билдиради.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг муовини У. НУРУЛЛАЕВ.

СИРЛИ КИШИЛАР

ЁКИ ЖАВОБГА ЖАВОБ

Силлиқ жавобни кўрдингизми, азиз ўқувчи! Хўш, нимани тушундингиз бундан. Ҳеч нарсани, дейсизми. Баракалла. Биз ҳам ҳеч нарсага тушунмадик. Ё жавоб ўта мураккаб, тагдор, ё биз нодон шекилли...

Ҳайфсанлар эълон қилинган. Рақслар ишдан олинган. Бироқ, бирортасининг исми-фамилияси ёзилмаган. Ҳеч бўлмаса, лақаблари ёки ташқи қиёфалари айтилса ҳам майли эди.

«Ўзбекистон овози» газетаси муҳарририятига ушбу фельетонни чоп этиш орқали савдо, ижтимоий адолатни тиклашга ва айбдор шахсларни жазолашга ёрдам берганн учун вилоят ҳокимлиги чуқур миннатдорчилик билдиради», эмиш. Миннатдорчилик учун ташаккур, ҳурматли муовин, аммо бу силлиқ жавобдан ўқувчи, харидор миннатдор бўлармикин!...

Сизга «ҳуллуқ» ва салом билан ҳайратда қолган мухбир: М. ЮСУПОВ.

РУҲИ ШОД БЎЛАРДИ

Ҳурматли редакция!

Қорақалпоғистоннинг Ораз Ерманов деган машҳур оқсоқоли ўтган. Қатағон йиллари барча софдил инсонлар қатори бу зот ҳам отилиб кетган. Ўзи асли Қўнғиротдан.

Районимиздаги Ильич номли давлат хўжалигини шу улуғ инсон номига қўйсак, деб ният қилиб эдик. Афсуски, бу иш осон эмас экан. Бутун умрини эл-юрт фаровонлигига бағишлаб, ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетган юртдошимиз руҳини шод этиш кимларгадир ёқмаяпти шекилли...

Ораз Ерманов Хоразм Халқ Республикасининг ички ишлар вазири, халқ хўжалиги комитети раиси сифатида фаол ишлаган шахс. Хўжалигимизни шу мўътабар инсон номига қўйишда редакция бизга ёрдам беради, деб ишонамиз.

Т. ЯХШИМУРОТОВА, пенсионер, Ж. ТОРЕЕВ, меҳнат ветерани, ҲАКИМНИЁЗОВ, уруш ногирони, К. ҒОЙИПОВ, муҳандис.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот қалъаси.

• *Нодира таваллудининг*

200 йиллиги олдидан

ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИРА

Келгуси йилнинг баҳорида 200 йиллик тўйи тантана билан нишонланадиган машҳур ўзбек шоираси Моҳларойим — Нодирабегим Макнуна тахаллуси билан форс тилида баракали ижод қилиб, беш минг мисрадан ортиқроқ форсий ғазаллар мерос қолдирган. Адабиётимиз тарихида баракали ижодкор ва зуллисонайн шоира сифатида Нодирабегим улуғ Алишер Навоийдан кейинги фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.

Юбилей муносабати билан «Ёзувчи» нашриёти унинг форсий ғазаллар гулдастасини ўзбек тилида нашрга тайёрламоқда. Қуйида ана шу тўпламга кирган ғазаллардан намуналар ўқийсиз.

КЕЧАДУР

Ошиқи рўйинг сени икки жаҳондин кечадур,
Ташнайи лаълинг сени кавну макондин кечадур.

Юз балою ранж ила сенсиз ўтиб умри азиз,
Қўрқамен, умрим давоми энди ондин кечадур.

Неча дерсанки сабр айла фироқ андуҳига,
Талхийи ҳажринг сени жавшани жондин кечадур.

Юзлари ҳажри тунига гарчи йўқдир интиҳо,
Қонталаш бўлма дилим у кўп замондин кечадур,

Эшигида интизор кечди ҳаётим ит каби,
Кўзларим муштоқи рўйи парча нондин кечадур.

Гарчи мен даҳшат малолидин агар жим бўлмасам,
Нолайи зорим мени гўши жаҳондин кечадур.

Энди Макнуна кўзи борлиқ юзида бўлмагай,
Ҳар киши дил берса дилдорига жондин кечадур.

ФАРҲОД БЎЛ...

Хотири ворастайи аҳли муҳаббат шод бўл,
Кишвари девоналиғлар то абад обод бўл.

Жилва муштоқи тамошо чоғларида кўзларим,
Волайи рухсорайи ул сарви ҳуризод бўл.

Қиссайи Фарҳоду Мажнун энди такрор ўлгуси,
Ҳар вафоли дилда эй афсонайи ман ёд бўл.

Андалибу қумрилар безаҳмати боди хазон,
Ҳампаноҳи сояйи сарву гулу шамшод бўл.
То қилур ижод сут жўйини оппоқ сочидин,
Қомати пири ҳарифи тешайи Фарҳод бўл.
Софдил дўстларни илгида жамоат домани,
Кинохоҳларни ҳаёту мақсади барбод бўл.
Севги йўли бўлмагай Макнуна бешўру жунун,
Сен муҳаббат йўлларида нолаю фарёд бўл.

МУҲАББАТ

Хуш сўзларингиз бўлмаса дилларда ҳаёт йўқ,
Жоно лаби лаълингиз эрур жони муҳаббат.
Дил хундиру жон доғдиру ҳолимда қаролиғ,
Дастинг-ла сани дўстиму домони муҳаббат.
Бўлса руҳингиз маъдани раъною гўзаллиғ,
Бўлди дили ғампарваримиз кони муҳаббат.
Афғону, ғаму, оҳу, жафою ситаму доғ,
Будур сани давронинга сомони муҳаббат.
Охир адаби ишқ жунун даштиға урди,
Синдирди жафолар била паймони муҳаббат.
То заҳми жигарсўхталарига ситам этгай,
Жуз лаъли лабинг йўқ намакдони муҳаббат.
Хоҳи ситаму зулм эту хоҳи иноят,
Макнуна бўлур бандайи фармони муҳаббат.

ЁНДИРУР

Сенсиз базми, тараб мавжи шаробим ёндирур,
Бемани лаъли лабинг нуқлу кабобим ёндирур.
Васл—мушкул, ёр—бепарво, фиғоним беасар,
Дўстлар раҳмеки бу жони харобим ёндирур.
Рост дермад рўзу шаб, сенсиз куюрман ҳажр аро,
Ҳосили бедорлиғим доғ ўлди, хобим ёндирур.
Заҳр бўлгай, белаби лаълингки комимда набот,
Тушди базмингдин йироқлиғ шаъми обим ёндирур.
Ваҳ билолмасманки қандай тоб берурман ишқига,
Мен гиёҳу дилбари олийжанобим ёндирур.
Енмоғин тоби дилимдан сўрмагил эй, ҳамнафас,
Шаъми ҳижронман, таъбим доғ ўлди, тобим ёндирур.
Ҳар қадар қўйсам юзининг шуъласи ҳажрида кам,
Чун бўлиб парвонаи ул шамъ, бобим ёндирур.
Эй қуруқ зоҳид не даб сўрсанг мани зор ҳолини,
Сийнайи пурҳасратим бордур, жавобим ёндирур.
Сўзларимда Макнуна ғайри куйишдан ўзга йўқ,
Дафтарим мажмуайи доғу китобим ёндирур.

Олим БУРИЕВ
таржимаси.

• *Президент Фармонлари амалда*

МУРАББИЙЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Республикамиз болажон диёр. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда нима кўп — ўқитувчи ва мактаб кўп. Ҳозирда 8500 дан зиёд мактаб, интернат ва болалар уйлари ҳамда муассасаларда таълим-тарбия ишлари билан банд бўлган ўқитувчиларнинг сони 400 минг кишига яқинлашиб борянти. Бу ёш авлодга таълим-тарбия беришда жуда катта куч. Илгари халқ таълими соҳаси заҳматкашларининг турмуш шароити анча мушкул кечар эди. Ўзбекистон мустақиллиги даврида Президент ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш борасида беш марта фармон чиқарди. Натижада ҳозирда ўқитувчилар 7 минг сўмгача мош билан таъминландилар.

Республикамиз ўқитувчилари учун яна бир қулай шароит яратиб берилди. Тошкентдаги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ўқитувчиларнинг санаторий-профилакторийси очилиши бу борада бажо келтирилаётган тадбирларнинг биридир.

Саломатлик маскани биноларини таъмирлаш учун 3 миллион, табобат ускуналари ва жиҳозлаш учун 2 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Кеча тантанали очилган бу масканда мураббийлар учун 130 ўрин муҳайё этилган. Барча даволаш хоналарида, ётоқ жойларида замонавий шароитлар яратилган. Бунёдкорлик ишларини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг қурилиш-таъмирлаш бошқармаси бинокорлари бажардилар.

ТУРИЗМ РАВНАҚИ УЧУН

● **«Ўзбектуризм» республика компаниясининг Қашқадарё вилояти бўлинмаси ташкил этилди.**

Илгари ташқи ва ички туризм билан шуғулланиб келган Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги 8 та ташкилот бўлинма таркибига киритилди.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

● **«Шўртангаз» конлари бошқармасида янги қурилма ишга тушди.**

Газни олтингугуртдан тозолаш цехи қуввати анча ошди. Бир кеча-кундузда 2 миллион кубометр газ олтингугуртдан тозаланади ва қуритилади.

Янги қурилмани «Шўртангазпромстрой» трести бунёдкорлари қисқа вақтда қуриб фойдаланишга топширишди.

Мусо КАРОМОВ.

• *Мардлик—мангулик*

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Раҳима опа бошлиқ оила бизнинг ён қўшнимиз. У 1939 йил баҳорида турмушга узатилган. Умр йўлдоши Карим Қобулов ўша пайтда Пскент қишлоқ Совети ижроия қўмитасининг бухгалтери эди.

У 1940 йилнинг январь ойида Қизил Армия сафига чақирилди. Ўшанда рафиқаси ҳали 19 ёшга ҳам тўлмаган эди. Ягона фарзандлари Қудратнинг чилласи чиқмаган ҳам эди. Ҳамшаҳримиз армияда кичик командирлар тайёрлаш мактабини тамомлагач, санитария инструктори сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Каримнинг Армия сафига чақирилгандан буён 50 йил-у 9 ой ўтди. Қудрат эса 51 ёшга қадам қўйди.

Эндиликда унинг ўзи ҳам бобо. Умр йўлдоши Клара шифокор. Фурқат, Барно, Пўлат, Раъно ва Зулфия исмли ўғил-қизларини вояга етказишяпти.

Умрнинг савдоси кўп. Аммо вафодор ва бардошли Раҳима опа яна турмуш қуришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Қудратини бағрига босганича Каримига садоқатли бўлиб қолишликни дилига жо қилиб олди. Раҳима опага унинг қабрини топиш, зиёрат қилиш орзуси сира тинчлик бермасди. Бунинг иложи бормикан? Ахир у қаерда дафн этилганлигини аниқ билмайди-ку! Подпольск шаҳридаги марказий архивга бориб, Улуғ Ватан уруши жангоҳларидан оиласи бағрига қайтмаган ўзбекистонликлар тақдирини аниқлаш билан шуғулланаётганимдан хабар топган Раҳима опа менга мурожаат қилиб қолди:

— Кўплар қатори Карим акангизнинг ҳам қаерда дафн этилганликларини аниқлашга ёрдам берсангиз, у кишини зиёрат қилиб, инсоний бурчимизни адо этмоқчи эдик.

Архивга етиб боришим биланоқ Карим ака тақдирини аниқлашга киришдим. Изланиш ўз самарасини берди. Картотека маълумотларидан фойдаланиб, иш дафтаримга қуйидагиларни ёзиб қўйдим: «Карим Қобулов — 1916 йилда Тошкент областининг Пскент қишлоғида туғилган. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда 37-армия таркибидаги 54-танкчилар бригадасида катта санитария инструктори сифатида иштирок этган. Қизил Армия сафига чақирилгунга қадар Пскент қишлоғининг Комсомол кўчасидаги 34-уйда яшаган. Оиласида хотини Раҳима Қурбоновна Қобулова қолган. Оғир ярадор бўлганидан кейин госпиталда вафот этган. Карим Қобулов 1942 йил 2 март куни Ворошиловград областининг Лисичанск районидаги Верхний шаҳрида дафн этилган».

Карим Қобуловнинг ҳарбий хизмати немис-фашист босқинчиларга қарши бошланган умумхалқ кураши билан уланиб кетди. У мардларча жанг қилди. Бинобарин катта санитария инструктори сифатида ярадор бўлган жангчиларга биринчи ёрдам кўрсатар ва уларни бехавотир жойга олиб чиқишда ибрат кўрсатарди.

Ворошиловград областининг Лисиченск шаҳри бўсағасида шиддатли жанглар олиб борилди. Шаҳар икки марта қўлдан-қўлга ўтди. Ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатишни моҳирлик билан ташкил этаётган ҳамшаҳрим 1942 йил 1 март куни оғир ярадор бўлди. У Верхний шаҳарчасидаги медицина-санитария батальонига жўнатилди. Аммо, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмай, 1942 йил 2 март куни вафот этган. Раҳима опа эса бундан бехабар эди.

Шундай қилиб Карим Қобулов дафн этилган жой аниқ бўлди. Демак, энди у кишининг қабрини зиёрат қилишга борса бўлади.

БИРОДАРЛАРГА ТАШАККУР

Раҳима опа Қудрат билан Карим Қобулов қабрини зиёрат қилишга отланар экан, мени ҳам таклиф қилди. Гарчи бошқа юмушлар кўп бўлса ҳам ён қўшнимнинг раъйини қайтара олмадим.

... Шаҳардаги меҳмонхонага жойлашгач, Қудратжон билан вилоят ҳарбий комиссарлиги томон йўл олдик. Бизни ёш капитан кутиб олди. У киши 1-бўлим бошлиғининг ёрдамчиси Владимир Иосифович Ваценко экан.

— Биз Ўзбекистондан келдик, — мақсадимизни тушунтира бошладик.

— Ҳамшаҳримиз дафн этилган жойга адашмай боришимизга ёрдам берсангиз.

— Бажонидил, — жавоб қилди капитан.

— Лисичанск билан боғланиб, натижасини сизга маълум қиламан.

Қобуловнинг қабри Лисичанск шаҳрида эканлиги аниқ бўлди. Шаҳар ҳарбий комиссарлигининг ҳисобга олиш дафтарида Карим Қобулов» эмас, «Карим Мўминович Қобулов» деб ёзиб қўйилганлиги бизни янада қувонтирди.

Шаҳар ҳарбий комиссарлиги 4-бўлимнинг бошлиғи майор Александр Васильевич Криничний бизни самимий кутиб олди. Мақсадимизни тушунган майор дарҳол бизга савол билан юзланди:

— Зиёратга қачон борамиз?

Очиғини айтсам, бу савол бизни шошириб қўйди. Чунки зиёратга ўзининг ҳам биз билан бирга бориш нияти борлиги сезилиб турарди.

Автобусдан кўнглингиз тўқ бўлсин, фотографни ҳам ўзим айтиб қўяман, гуллар ҳам шу ердан топилади, — деб қўйди у.

Тонготарда Лисичанск шаҳри томон йўл олдик. Ваъдалашганимизга кўра шаҳар ҳарбий комиссарлигига етиб бордик. Майор Криничнийдан бошқа яна бир киши ўтирарди.

— Бу киши шаҳар ҳарбий комиссарлиги ҳузуридаги уруш ветеранларига ёрдам комитети раиси, истеъфодаги майор Григорий Михайлович Сарана,— деб таништиришди.

Шундан сўнг ҳаммамиз автобусга ўтириб қабристон томон йўл олдик. Йўлда майор Криничний фотографни таклиф қилиш учун автобусдан тушди. Пайтдан фойдаланган Қудрат колхоз бозорига кириб, турли хил гуллардан олиб чиқди.

«Лисичанск-5» деб номланган шаҳар қабристонига етиб келиш билан биринчи навбатда ёдгорлик пойига гуллар қўйдик ва ҳамшаҳримиз Карим Мўминович хотираси учун бир дақиқа сукут сақладик. Шундан сўнг Рахима опа қуръон тиловат қилиб, марҳумнинг руҳига бағишлади.

Қабристонда 936 киши дафн этилган экан, улардан фақат 223 кишининг кимлиги аниқланган. Қолган 713 киши ҳозирча номаълум. Шунга қарамай, қабристонни ўз оталиғига олган Резина-техника буюмлари заводи маъмурияти келгусида аниқланиши мумкин бўлган марҳум жангчилар исмфамилиясини ёзиш учун ёдгорлик лавҳаларида бўш жой қолдирган. Улардан бирига «Катта санитария инструктори К. М. Қобулов», деб ёзиб қўйилибди.

Шу қабристонда ҳамшаҳримиздан ташқари 1919 йилда туғилган Абдулла Амруллаев, 1902 йилда туғилган Чинор Носирович Маҳмудов, 1919 йилда туғилган Омон Хоназаров каби ҳамюртларимиз ҳам дафн этилган экан. Аммо уларнинг қаерлик экани қайд этилмаган.

Зиёратдан эсдалик учун ёдгорлик ёнида суратга тушдик. Шунингдек, халтачага тупроқ солиб олдик. Одамгарчиликлари учун миннатдорчилик изҳор этиб, А. В. Криничний ва Г. М. Сарана билан самимий хайрлашдик.

Хайрлашдик-ку, лекин бизнинг нигоҳимиз қабристонда, жигарбандимиз дафн этилган дафнада эди.

— Тинч ётинг ботир ўғлон, азамат юртдошим!

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАРКИН?

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР · МУТАСАДДИ МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ · FIDE

Диёримизда шахмат муҳлислари давраси кенгайиб бормоқда. «Ўзбекистон овози» газетаси билан республика шахмат уюшмасининг моҳир шатранж устаси Пўлатхон Саидхонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган шахмат танлови топшириқларини мунтазирлик билан кутаётган мухлисларнинг мактублари шундан далолат бермоқда. Маълумки, бугунгача кўзда тутилган 16 топшириқдан ўн тўрттаси эълон қилинди. Навбатдаги иккита топшириқдан кейин танлов иштирокчиларининг жавоб-мактублари бўйича ғолиблар аниқланади.



13 ва 14-топшириқлар. Оқлар бошлаб ютади. Тўғри жавоблар учун тўрттадан очко берилади.



Эслатма: 12-топшириқни бажаришда, оқлар бошлаб дуранг қилади, сўзларига амал қилинсин.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

«ҚИЗИЛ» ЭМАС, ЎЗИМИЗНИКИ!

● **Красний двигатель» заводининг Новороссийскдан Самарқандга кўчириб келинганига 50 йил тўлди. Очиғи, бу давр ичида (гарчи номи ўзгармаган бўлсада) бу корхона ўзимизникига айланди. Жамоанинг асосий қисмини маҳаллий кадрлар ташкил этади.**

Завод бугунги кунга келиб акционерлик бирлашмасига айланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига акциялардан олинаётган дивидент 50 фоизгача кўтарилди. Икки йил ичида бу ерда беш хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жамоа хусусийлаштиришнинг «Ёпиқ ҳолдаги акционерлик жамияти» шаклини маъқул кўрди.

Завод қошида учта кичик давлат корхонаси очилган. Уларда рўзғор буюмлари, енгил автомашиналар учун гильза, поршенлар ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Яқинда «ГАЗ—24» автомашинаси двигатели учун гильза ишлаб чиқарилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОВЧИ БУРЧАГИ

ЧУМЧУҚДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҒОЗ ЖАРКОПИ

Сартюзи қишлоғининг дўконида оққўрғонлик Отабой домлани учратдик.

— Овчи бўлсангиз бизни сойга юринг, сон-саноқсиз ўрдагу ғоз босди.

Эрта тушган совуқ, кўл ва сойларнинг қирғоғини муз кўпиги билан қоплади. Қишлашга қолган сув паррандалари энди иссиқ булоқ тарафларга, музламайдиган хилват сойларни кўзлаб парвозга чоғланади. Бундай булоқлар атрофи қиши билан ям-яшил майса ўтларга бой бўлади. Балчиқлар серчувалчанг бўлиб, лойҳўраклар хўп яйрайдилар. Бойжингил ва кугай билан қопланган ҳовузчаларда чуррак, ўрдак, ҳатто ғозларни ҳам учратиш мумкин.

Ов гашти ҳаёлларига берилиб, Отабой домланинг меҳмони бўлдик. Тонг отар-отмас Отабой домла мени уйғотаркан:

— Фақат ғоз овланг, машак-пашакка ўқ сарфламанг. Худо ҳоҳласа кечқурун бир ғозхўрлик қилайлик, деб мени кузатди.

Қишлоқ тегирмонидан ўтиб, сойга тушдим. Қўнжи узун резинка этигим билан сувни шалоплатиб, ов бошладим. Энг аввало қўшотаримга йирик сочма ўқ жойлаштирдим. Сойнинг икки қирғоғи баланд тепаликлардан иборат бўлиб, ҳали қорайиброқ кўринарди. Сой буғланиб турибди. 2—3 қадам нарини илғаш қийин. Кўзимга Қора сой-ю оппоқ қор чалинади, холос. Юрган сари ё чап ё ўнг томонимдан машаклар «маъраб» учиб қолишади. Кугай билан ўралган кўлмакдан ўтишим билан иккита ўрдак эринибгина какиллаб кўтарилди, нишонга олмоқчи бўлгандим, Отабой домланинг: «Фақат ғозни отинг», дегани ҳаёлимдан ўтди. Ниятимдан қайтдим. Тонг ёриша бошлади. Қуёш нурлари таралди, осмон ложувард, Данғаранинг қорли чўққилари пушти ранг тус олди. Энди ҳаммаёқ аниқ манзара касб этди. Яна бир бурилишда тўртта чуррак патирлаб, ҳавасимни орттирди.



Яна анча юрдим. Ҳатто, машаклар ҳам учмай қолди. Адирлар устида қуёш қўнгандай бўлди. Энди овни йиғиштирсам ҳам бўлар, деб орқага қайтишга ҳозирланиб турганимда, каптардай лойхўрак кўтарилди. «Бор-э, ҳеч бўлмаса, битта лойхўракни отай», деб тепкини кетма-кет босишим билан ўнг томондан иккита йирик ғоз учса бўладими! Қани энди уларга ўқ! Овдан қуруқ қайтиб, аламига жийда шоҳларида хўрпайиб ўтирган чумчуқларни бир отишда ўнтасини қулатдим. Домланинг тушликка мактабдан қайтишига жаркоп тайёрладим.

Отабой домла уйга кирар экан: «Бой-бой!» Ғоз гўштининг ҳиди келяпти-ку! Қойилман, овчилигингизга, — деб дастурхонга ўтирдилар-да, лагандагисини кўриб:

— Ғознинг гўштига ўхшамайди-ку — деди.

— Тезроқ пишсин, деб майдароқ тўғраб қўйибманда, домла! — деб ҳазилга йўйдим. У ёғини сўрасангиз ҳаётда ҳам шундай бўлади. Майда-чуйда нарсаларга кучимизу маблағимизни сарфлаб қўямиз-да, арзигулиги учраганда куч ҳам, маблағ ҳам топмаймиз. Агар мен лойҳўракка ўқ сарфламаганимда ғознинг ўрнига чумчуқ отармидим!

Ғофур ЖЎРАЕВ.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ОЛМАЛИҚ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ КОМБИНАТИ

Энг арзон нархларда қуйидаги маҳсулотларини таклиф қилади:

— асфальт, шлакоблок ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ялтироқ қум (майдалик даражаси 0-5 мм) 1 тн.—25 сўм;

— биноларни ҳар йили таъмирламасликнинг бирдан-бир йўли, бизнинг маҳсулотимиз — мармар ушоғи билан сувоқ қилишдир, 1 тн. (55-10 мм) — 106 сўм; 1 тн. (3-5 мм) — 130 сўм; 1 тн (10-20мм) — 85 сўм — биноларнинг полига ишлатилади;

— кесилган тош 1 донаси — 6 сўм. 188x190x390 мм ҳажмига эга бўлган бир дона кесилган тош 7,2 та пишган ғиштнинг ўрнини қоплайди;

— девор блоклари 1000x2200x400 мм, 1 м³ — 404 сўм;

— биноларнинг ички безагига ишлатиладиган чиғаноқли плиталар, нархи 1 м² — 217 сўм;

— чиғаноқли плиталар олинадиган блоклар, нархи 1 м³ — 630 сўм;

1993 йилга комбинат сотиб олувчилар билан маҳсулот етказиб беришга шартнома тузади.

Маълумотлар учун телефон: 3-04-37, 3-04-60, 3-18-51.

Телетайп: 116717. «МРАМОР».

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, Китве кўчаси, 1-А уй.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси 1993 йил 1 январдан эътиборан тугатилганлигини ҳамда унинг ўрнида мустақил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ва 1-босмахона ташкил этилганлигини билдиради.

Шикоят ва даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 9 декабрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 Австралия доллари	290 сўм 37 тийин
1 Австрия шиллинги	37 сўм 66 тийин
1 Англия фунт стерлинги	669 сўм 78 тийин
10 Бельгия франки	128 сўм 51 тийин
1 немис маркаси	268 сўм 97 тийин
1 голланд гульденги	239 сўм 57 тийин
1 Дания крони	69 сўм 35 тийин
100 Италия лираси	30 сўм 52 тийин
1 Канада доллари	329 сўм 66 тийин
1 Норвегия крони	65 сўм 85 тийин
1 АҚШ доллари	419 сўм 00 тийин.
1 Финляндия маркаси	84 сўм 92 тийин
1 француз франки	78 сўм 94 тийин
1 швед крони	62 сўм 62 тийин
1 Швецария франки	300 сўм 47 тийин
10 япония иени	33 сўм 85 тийин
1 ЭКЮ	527 сўм 81 тийин
10 испан песети	36 сўм 89 тийин
10 Греция драхми	20 сўм 42 тийин
1 Ирландия фунти	702 сўм 66 тийин
1 Исландия крони	6 сўм 66 тийин
1 Қувайт динори	1402 сўм 18 тийин
10 Ливан фунти	2 сўм 24 тийин
10 Португалия эскудоси	30 сўм 19 тийин
1 Сингапур доллари	255 сўм 36 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 51 тийин



«АСҚАР» ФИРМАСИ

Агар Сиз ёзув машинасини излаётган бўлсангиз
— русча—ўзбекча, лотинча алфавитли,
— 16 хил шрифтли,
— тезкор ва диск-хотирали,
— банк ҳужжатларини чоп этиш учун тайёр бланкалар мавжуд.

Бизга шу телефонлар бўйича (3712) 77-34-27 қўнғироқ қилинг.

«АСҚАР» ФИРМАСИ шунингдек арзон КОМПЬЮТЕРЛАРНИ тавсия этади. Уларни ўрнатиш, кафолат хизмати кўрсатиш, дастур билан таъминлаш ва ўқитиш ишларини ўз зиммасига олади.

КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, БУХГАЛТЕРЛАР ВА ИШ ЮРИТУВЧИЛАР МАРҲАМАТ, БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир; Р. ШОДИЕВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—24.00. Г—512. № 243. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.